



# ТОШКЕНТ ХАЖУРАТЧИ

РўЗНОМА 1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 37 (10.033). 1991 йил 21 февраль • пайшанба • Баҳоси 6 тийин.

## СССР Олий Кенгашининг қарори

Истеъмол бозорини барқарорлаштириш, нарх-наво сиёсатини ўтказиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш тадбирлари тўғрисида

### СССР Вазирлар Маҳкамасининг ахбороти ҳақида

СССР Олий Кенгаши қарор қилди: 1. СССР Вазирлар Маҳкамасининг СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Кенгаши қарорларига мувофиқ истеъмол бозорини барқарорлаштириш, нарх-наво сиёсатини ўтказиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш тадбирлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. СССР ҳукуматига ўтказилган тадбирларни олдидан компенсация чора-тадбирларини амалга ошириш билан ва СССР халқ депутатлари айтган мулоҳаза ҳамда тақлифларни эътиборга олиб, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланишини кучайтириш билан албатта мустақамлашни таъминлаш топширилсин.

3. Аҳолини ижтимоий жири билан ва СССР халқ депутатлари айтган мулоҳаза ҳамда тақлифларни эътиборга олиб, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланишини кучайтириш билан албатта мустақамлашни таъминлаш топширилсин.

ҳатдан ҳимоялашга оид комплекс чора-тадбирларни ўтказишда СССР фуқароларининг меҳнат қилиши ва одилона ҳақ олиши, уларнинг қонун олдидagi тенглиги ва барча республикалар фуқароларининг тенг ҳуқуқлигидан иборат конституциявий ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишига асослангилсин.

Мамлакат аҳолисинга чакана нархлар ўзгартирилишидан ҳимоя қилинган кўшимча ҳаракатларнинг ўрни ягона қондаларга биноян қоплансин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси А. ЛУКЪЯНОВ. Москва, Кремль. 1991 йил 19 февраль.

## ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ БАЖАРИЛМОҚДА

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ энергетика-ёқилга саноати комплекси барқарор ишламоқда. Буни шу тармоқ меҳнаткашларининг ўтган йилдаги ва янги йилнинг биринчи ойдаги иш натижалари аққол кўрсатиб турибди. Барча корхоналарда мавжуд асбоб-ускуналар қувватидан оқилона фойдаланиш, уларни тузатиш ишларини вақтида амалга ошириш, айрим агрегатларнинг ишлаб чиқариш қувватларини қўлайтиришга қаратилган ва бошқа шу каби таъкилий-техникавий тадбирларнинг амалга оширилиши бунда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Ўшма ҳосил қилган тур миқдори эса 15 миллион киловатт-соатдан кўпроқ бўлди. Кўмир саноати корхоналари ҳам дурут ишлади. Бу тармоқнинг энг йирик корхонаси ҳисобланган Ангрен кўмир разрезини шартнома мувофақиятли урдаламоқдалар. Айниқса элктр станциялари бу соҳада яхши кўрсаткичга эришди. Уларнинг жамоалари вилотимизнинг ана шу ҳаётбахш нурга бўлган эҳтиёжини тўла қондириб турди.

М. МАХМУДОВ.

## ҒУЛОММАХМУД АБДУЛЛАЕВ НОМИ БЕРИЛДИ

Жамоа ҳўжалиги ташкилотчиларидан бири, таниқли уста дехқон, ақойиб раҳбар ва тарбиячи, Социалистик Меҳнат Наҳрамони Ғуломмахмуд Абдуллаевнинг номи маъмур эди. У салкам 40 йил Тошкент ноҳиясидаги Карл Маркс номи колхозга етакчилик қилди. Ҳўжаликни оқсатириш, кишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини яхшилашга салмоқли ҳисса қўшди. Шундай булғач, ҳўжалик негача унинг номи билан аталган мўжиза эмас!

## М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ РЕЖАСИ ХУСУСИДА

19 февраль кўни бўлиб ўтган брифингда СССР Президентини матбуот шўъбасининг раҳбари В. Н. Игнаренко М. С. Горбачев Форс кўрғазини зонасидаги қўроқли можаорни сиёсий бартараф этиш юзасидан ўртага қўйган режага жаҳонда бириктирилган дастлабки фикрлар билан журналистларни таништирди.

У айтдики, БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари бўлган давлатларнинг бошлиқлари, шунингдек бошқа айрим мамлакатларнинг раҳбарлари неча Горбачев режаси билан таништирилди, дастлабки фикрларга қараганда, бу режа тушунлиқ кўриб олинди ҳамда Хавфсизлик Кенгашининг Форс кўрғазига доир қарорини амалга ошириш доирасидаги тадбир сифатида баҳоланди. Хусусан, АҚШ Президентини Ж. Буш ўзининг Ироқ ташқи ишлар вазирини Т. Азиз билан суҳбатга маъмуни тўғрисида хабар қилганлиги учун СССР Президентини миннатдорчилик билдирди. Совет томонидан матбуот мазмунини сир тутишни илтимос қилганлиги сабабли Буш унинг мазмунини очиб айтмади. Шунингдек, СССР Президентини матбуот шўъбаси раҳбарининг гапларига қараганда, бугунгача М. С. Горбачев режасига Италия ва Вуюк Британияда ижобий фикр билдирилди.

Президентнинг ерданчи журналистларнинг саволларига жаваб қайтариб, хусусан ҳозирча бирорта мамлакатдан совет раҳбарининг тақлифига қўшимаслик ҳақида фикр келмаганлигини айтди. У немисларнинг «Бильд» газетасида эълон қилинган М. С. Горбачев режасининг аниқ мазмунини баънини рад этиди. Америка Президентига мактубда кўп миллатли кўчларнинг ерданчи ҳўжуми бошланганини тўхатиб туриш тўғрисида илтимос бор, деган тахмин ҳам рад этилди. Шу билан бир вақтда «мактубнинг руҳини илтимос қилганлиги моҳияти ҳам, агар биз Саддам Хусейндан жаваб оладиган бўлсак, ҳозир бундай ҳўжум ортқича бўлиши» таъкидлаб ўтиди. Шунинга эътибор, Президент матбуот шўъбасининг раҳбари «кўрунқликдаги ҳўжум умуман принцип жиҳатдан ҳеч нарса бермайди» деди. «Ушбу мамлакатнинг умуртқасини синдириш эмас, уни бутунлай йўқ қилиб ташлаш эмас, бошқа нарса мўҳимдир. Ҳўжум янги қўроқдан бўлишига ва яна қон туқилишига олиб келади. Бизнинг йўлимиз қон туқилишининг олдини олишдир» — деб таъкидлади у.

С. ЖАРКОВ, А. ПЕРШИН, ТАССнинг дипломатия мўхбирлари. Москва, Кремль. 1991 йил 19 февраль.

## СССР ИТТИФОҚНИ САҚЛАБ ҚОЛИШНИ СИЗ ЗАРУР ДЕБ ҲИСОБЛАЙСИЗМИ?

Бизга иттифоқ керакми? Агар керак бўлса, қандай иттифоқ лозим? Бу саволларга референдум жаваб бериши керак. У давлатимиз тарихида биринчи марта СССРнинг бутун худудига ўтказилди.

Лотин тилидаги «референдум» сўзи «маълум қилиниш» керак бўлган нарсани аниқлатади. Референдум ўтказилишининг ўзи давлат фаолиятида фуқароларнинг фаол қатнашинини таъминловчи демократик жараёнлар мамлакатда мавжудлигини далолат беради.

«Референдум керак эмас, деб овоз тарқатиб юрган кишилар» — деб таъкидлади республика Президентини И. А. Каримов Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўғртинчи сессиясида — оддий кишиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини меъсималятилар. Референдумда қатнашиш, кимдандан, саводсиз ёки саводлиқлигидан, қаёқда бўлиши ва туршидан қатъий назар — ҳар бир фуқаронинг конституцион ҳуқуқи. Бундай ҳуқуқни ҳеч ким, ҳеч қачон бирор одамнинг қўлидан олиши мўмкин эмас, биз бунга йўл ҳам қўймаймиз».

Жаҳон амалиётида референдумнинг уч хил кўриниши бор: — конституцион референдум; — қонун чиқарувчи референдум; — маънавият референдуми. 17 март кўни СССРда айни маънавият референдуми ўтказилди, унда ССР Иттифоқи бўлиши керакми ёки йўқми, деган савол қўйилди.

## 17 МАРТ - СССР РЕФЕРЕНДУМИ КўНИ

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, мамлакатда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам барча халқларимизнинг биргаликдаги кўп асрлик куч-ғайратлари натижаси бўлиши ноб цивилизация таркиб топди.


Иттифоққа кирувчи республикалар иқтисодий жиҳатдан бир-бирлари билан ўзаро ақиндан боглангандир. Бу Совет ҳўкимияти йилларидангана эмас, балки бир асрдан кўпроқ даврдига таркиб топган меҳнат тақсими тўғрисида натижасидир. Мавжуд системани бузиш мамлакатни иқтисодий ҳалокат жари томон буриб юборишидир.

Иттифоқ таркибига кирувчи барча республикаларнинг қанолат берилган хавфсизлигини таъминлаш имконияти ҳам иттифонининг афзалликларидан бири ҳисобланади. Ниҳоят шуни назарда тутиб керакки, СССР халқро майдонда буюк давлат сифатида қўйидаги масалалар тааллуқли бўлади: Иттифоқ таркибига янги давлатларни қабул қилиш; давлат чегараси ва унинг режимида мўҳофаза қилиш; уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этиш, мудофаяни таъминлаш; давлат хавфсизлигини таъминлаш; ташқи сиёсат умумий асосларини таъминлаш ва халқро шартномалар тузиш; Иттифоқ бюджетини тузиш ва унинг иқроси, давлат банклари системасини, ягона пул системасини белгилаш; транспортнинг асосий турларини бошқариш, мудофаа объектлари, космик тадиқотларни бошқариш, ягона энергетика системасини, умумийтифоқ алоқа ва ахборот системаларини бошқариш, парчаладанган материалларни сақлаш ва улардан фойдаланиш; Бутуниттифоқ бозори ишлашини белгилаш; Иттифоқда тааллуқли масалалар бўлиши референдумлар ўтказиш; республикалар Иттифоқ идораларига мурожаат қилган тақдирда улар ўртасидаги бахсларни ҳал этиш.

Қолган ҳамма ваколатлар суверен давлатларга берилиши керак. Ҳар қайси республика суверен давлат сифатида қўйидаги алоқа бўлиши лозим; иттифондан орқини чиқариш ҳўқуқи, дахлсиз худудга эга бўлиш, бу худудини унинг розилигисиз ҳеч ким ўзгартирмайди; ўзининг олий давлат ҳўкимият органига, ўз ҳўкуматига, ўзининг олий суд органига эга бўлиши; ўз конституциясини, ўзининг республика қонунчилиги бўлиши; чет эл давлатлари билан бевосита мўнособатлар ўрнатиш ҳўқуқи; ҳар бир республикада ер, унинг устки ва ерости бойликлари, ҳудудий сувлари, ҳаво бўлиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, халқнинг маданият ва тарихий ёдгорликлари ва бойликлари, бюджет, валюта жағмармаси, суғурта жағмармаси, сонинг мажмуалари ва қўроқлар ўз мўлки ҳисоблангани, давлат тили, терби, байроғи, маънавият бўлиши керак.

Иттифоқ томонидан республикаларнинг ерлари ва табиий ресурсларидан мудолат белгилаш шартнома асосида фойдаланиши керак. Республикалар суверенитетини амалга ошириш уларнинг эркин ва мустақил ривожланиши билан миллилатни қатъий назар унинг барча фуқаролари конституцион ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, республиканинг худудий яхлитлиги ва иқтисодий мустақиллигини мўҳофаза қилишга қаратилгандир. Хуллас, мен Иттифоқ билан суверен республикалар ўртасидаги ваколатлар чегараланишини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг бирлиги сақлаб қоллиниши тарафдориман. Ана шунда ҳарикатан СССР худудига янгилашган федерация бўлади.

М. ФАЙЗИЕВ, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.



## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДА

19 февралда Чиноз ноҳиядаги Тошкент вилотия партия комитети бюросининг кўчма мажлиси бўлиди. Мажлисда «Чиноз ноҳия партия комитети ишларида жиддий камчиликлар тўғрисида»ги масала мўҳомаа қилинди.

Вилотия партия комитетининг бюроси шуни таъкидлаб ўтиди, кейинги вақтда Чиноз ноҳия партия комитетининг бюросининг, котибларининг меҳнат жамоалари, ноҳияни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ички партия ҳаётига ташқи ағча бўлаштириб юборилган. Иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг қўллана долзарб масалалари ноҳия партия комитети эътиборидан четда қолмоқда. Ноҳия партия комитети истиқболдаги мўаммоларни мўҳомаа қилмай қўйди, вужудда келадиган ўткир вазиятларга кўра тасвир эътилоғи, воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш ва салбий ҳодисалар вужудда келишининг олдини олиш қўбилганини йўқотди, ноҳия партия комитети услубида лоқайдлик, либерализм, намчиликларга ишобатан мўросасолик, кадрларга ишобатан талабчи бўлашнинг усулини қўймоқда.

Қабул қилинган қарорда ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ўртоқ Ю. А. Хайдуrowга ноҳия партия ташкилотига раҳбарликдаги султ марқа, раҳбар коммунистларга ишобатан талабчиликнинг йўқлиги, Кенгашиларда партия тасвирини мўҳомаа қилиш кетганлиги, вужудда келадиган ўткир мўаммоларни ҳал этиш юзасидан шойлиқ чоралар қўйилди.

Ноҳия партия комитетининг иккинчи котиби ўртоқ А. С. Сармонова ташкилий-партияий ишларни, меҳнат партия фаолиятини тубдан қайта қуриш, партия фаоллари, барча коммунистларни ноҳия ижтимоий-иқтисодий ривожланиши режаларини бажаришга сафарбар этиш, тошпиритган участкадаги ишнинг аҳоли учун раҳбар коммунистларнинг маъсулликларини охиридаги ишнинг фаолиятини ишнинг Кенгашидан партия гуруҳининг ишнинг фаолиятини шўвет идораларидан раҳбар коммунистлар фаолияти устидан назоратни қўлайтириш, тақчил молларни тақсिमлаш борасида ижтимоий адолатни таъминлаш, мафкура ишнинг монотонлиги чораларини кўриш топширилди.

Вилотия партия комитетининг биринчи котиби Ш. Н. Махмудова ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ташкилий-партияий ва ҳуқуқ ишлари, бўлимининг партия ташкилотчиси В. А. Лозийқин қатнашди.

Шу кўни Чиноз ноҳия партия комитетининг III пленуми бўлиди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Пленум ноҳия партия комитетининг бюроси ишларида жиддий камчиликларни кўрсатиб ўтди, арзисига биноан ўртоқ Ю. А. Хайдуrowни ноҳия партия комитетининг биринчи котиби вазифасидан, ноҳия партия комитетининг иккинчи котиби ўртоқ А. С. Сармоновни ишда йўл қўйган камчиликларни ва хоталари учун озоқ қилди. Шу ноҳиядаги Пўлдош Охунбобоев номи жамоа ҳўжалиги раиси бўлиб ишлаб келган ўртоқ У. Умаров ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюроси аъзоси қилиб сайланди. Чиноздаги байлиқларга берилган дондор аралаш озуқа тажриба заводининг директори бўлиб ишлаб келган ўртоқ Ю. И. Раҳматуллин ноҳия партия комитетининг иккинчи котиби ва бюроси аъзоси қилиб сайланди. Пленумда Тошкент вилотия партия комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулوف сўзга чиқди. Пленум ишда Тошкент вилотия партия комитетининг иккинчи котиби Ш. Н. Махмудова ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ташкилий-партияий ва ҳуқуқ ишлари, бўлимининг партия ташкилотчиси В. А. Лозийқин қатнашди.



# —МЕҲМОНИМИЗ

қилгандик. Илк сони 28084 нусхада chop этилган ойнома саҳифаларидаги мақолалардан кўриниб турибдики, буюк Алишер Навоийнинг «Одами эрсанг демағил одами, оинки йўл ҳалқ ғамиди ғами» деган сўзларини ўзига бош шпор қилиб олган мақур нашр ҳар хил қарашларни асл ҳолида ёритиб, турли нуқтан-назарларни ўзаро таққослаб ва таҳлил этиб, республиканинг энг илгор кучларига таянган ҳолда, ижтимоий фикрнинг ёрқин ойнасига айланганга, жумҳуриятимиз ҳудудида яшовчи халқлар ўртасида инсонпарварлик гоъларини қайта тиклашга сиқидилган хизмат қилмоқда шай турибди.

Мақур ойномага обуна бўлиш борасида, афсуски, вилоятимиз охириги ўринлардан бирида қолиб

кетибди. Бизнингча бунинг бош сабаби муштарийларнинг янги нашр ҳақида аниқ бир тасаввурга эга бўлмаганлигидир. Шу сабабли ҳам рўзномаимиз саҳифаларидан бирини «Мулоқот»га бағишлаб, унда ойномаимиз келгуси сонларида chop этилаётган турли материаллардан парчалар эълон қилишга, шу орқали вилоятимиз ҳудудини воқелиятимизнинг янги қўсуни билан таништиришга жазм этдик.

Албатта, саҳифада эълон қилинётган бир неча мақолалар билан ойнома ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш қийин. Аммо, бу материаллар муштарийларда қизиқиш уйғотишига, «Мулоқот»нинг янги сонларини топиб ўқишга, унга обуна бўлишга даъват этишига ишончимиз комил.

Эътиборингизга «Мулоқот»нинг 2-сонига босилган айрим мақолалар ҳавола этилмоқда.

# ҲАҚИҚАТДАН ЧЕКИНМА, ТАРИХ!


(ЭССЕДАН ПАРЧА)

ХIII аср форс тарихчиси Муҳаммад ибн Мансур Марварудий ўзининг умумтарихга бағишланган «Тарихи Муборакшоҳ» номи билан асарини Туркистон ҳудудини маъна тундай белгилайди: «...Ушбу мақоғда лойиқ қилинганлар ва таҳсинга сазовор аҳлоқ-одобдан ўзга, турклар жаҳоннинг бошқа халқлари олдида айрим устунликлар ва тафовутларга эгадирлар. Айтилганларидан бири шулки, улугворлик ва катталиқда жаҳонда биринчи мамлакат Туркистонга тенг келолмайди. Турк вилотлари машриқдан Чин мамлақати (Хитой) билан ёнма-ён, магрибдан Туркистон Румга туташ (яъни Рим, Юнонистон, ҳозирги Туркия

остида ҳамма замонларда ҳам тақсимланганга, таланишга ва горага гирифтор бўлган. Ҳар сафар унинг номи ўзгарган, чунки янги «соҳиб»ларнинг хоҳиши шуни талаб қилган. Араблар уни Мовароуннаҳр деб атадилар. мўғуллар — Чингай улуси... XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон улқаси деб атала бошланди. Мана Октябрь инқилоби юз бердию, Россиянинг ҳамма халқларига ҳуррият, тинчлик, тенглик ва ер берадиган тўнтарин... Ниҳоят қадимий жаҳонда Туркистон ҳам энди яхлит ва бир бутунлиқда гуллаб яшнайди деб қувондилар. Аммо, ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилган бўлди. Ўтказилди ҳам. Ойномада Туркистон нечанчи бор яна бўлиб ташланди. Ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, кейин кирғиз билан тожиқлар ўз жумҳуриятларини тўздириб Туркистон атамаси ҳарбий мавзедан бошқа бирор ерда қолмади. Тарих, таассуфлар бўлсин, тагин тақдорланди. Туркистон маъмурий бирлик сифатида йўқ қилинди.

## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

# МУТЛАҚО МАХФЙ ЭМАС



# МУҲАРРИР МИНБАРИ МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

Ҳар қандай таназуулнинг чек-чегараси борки, уни ҳатлаб ўтган, одам ўз хатти-ҳаракати учун жавоб бериши қийин. Назаримда биз шу сарҳадга этиб қолдик. Турк беш йил муваддат интизомга бирмунча эътибор эвазига инсана, мудатда ичида миллий даромад турт фоизга ошган эди. Бугун эса мабуот хабарларига қараганда ўтган 1990 йилда миллий даромад 4 фоизга камайиб кетди. Дарвоқе, бу ҳол рақамларимиз ҳам айв. Буюк бир мамлакат беш йилдан беш йилга зарар кўриб, ўз соғи билан ўзи даҳани жанг қилиб ётибди. Бироқ табиат жон талашиб турган, асрининг ҳаёт-мамот даврига қалам кўйган мурақаб бир вақитда нажотимиз — гап эмас, меҳнат. Меҳнат биз учун нафақат тирчиқлик пойдевори, балки ўз-ўзини, жамиятимизга этиққонимиз мезони ҳам.

Ҳозир халқимиз онги шиддатли бир тезлик билан ўсаятган, гайрат-шижоати жўшиб турган пайтда ҳаёта қайта-қайта бу кудратни меҳнат ўзинига буришга, миллат интиққонига хизмат қилдиришга қодир, юртимизнинг қолган-қутгани маъносини йиғиб-териб бу боситни ўзига қайтарганидан, бод боғлаб оғизга эмас, аянда хизмат қилдириганидан беминнат одамлар майдонага чиқиши керак. Хайратки, бундай одамлар жумҳуриятимизда бор. Улар сўёни об-ҳаводан, маънавий раис-русуллардан қатъий назар балки ноэкилик ва субтсанли шароитда ҳам ўз бурчини адо этиб, энг шимариб жаҳон савия ва малакаси даражасида меҳнат қилиб келганлар. Маҳаллийчилик, гурӯҳчилик, таъмағирлик сингари жамиятни орқага тортаётган иллатлар уларга ёт. Ниэо ва адоватлардан улар остун турадилар. Аслида ўзбек довуруғини шулар кўтариб келганлар. Ҳозирги пароканда кўнларда ҳам миллат таянчи, асалий ўзбек маъзумининг посбони шулар. Улар жуда кўп, лекин ўзбекдай кўп миллионли миллат учун ачинарлик даражада кам. Аслида яхши кўнлар гарови шундай юртдошларимиздир.

Биз ҳаммамиз катта-кичик раҳбарлар қўлида ишлаймиз. Маънавий ва маданий қиёфамиз кўп жиҳатдан уларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ. Ҳаммамиз уларнинг муттасил яхши-ёмон таъсири остида яшаймиз. Ичкиликдор раҳбар қўлида нчанмиз, тубан раҳбар қўлида тубанлашамиз, таъмағир қўлида нафс кетядан куваимиз. Ҳалол киши бошчилигида халолликнинг ҳам нархи ошади. Сув бошдан лойқаланади ёки тиниқ ошади.

Итифоқ ва хорнида партияннинг обрўсизланишининг биринчи ва асосий сабаби раҳбар ходимлар шахсиятининг гоъи ва таъсири йўқлигидир. Шохон кабинетлар савлати, моддий ва маънавий имтиёзлар шуқуқи «раҳбар» деган касбга ҳаммамиз иштиққанд қилиб қўйди. Холбуки, раҳбар меҳнати ҳавас қилдиган иш эмас. Одамларнинг бошини қовуштириб бир мақсад сари етаклаб, меҳр-оқибатли ижодий муҳит яратиб, эртани кунни кўра-биллиб унга қисматни бағишлаш ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Раҳбарликка даъвогар одам энг юқори, энг қаттиқ талабларга жавоб бериши керак. Жамиятда қандай фаилатлар қарор топиши керак бўлса, улар аввало раҳбарлар қиёфасида мужассам бўлиши керак. Чунки, ташкилотлар жамиятнинг ҳужайраси бўлса, раҳбарлар унинг қон томирларидир. Жамиятнинг руҳий ва ижтимоий соғлиғи уларнинг ҳолатига боғлиқ. Етуқ, ҳалол, малакали етакчилар қўлида режалар ўзгача қўлам касб этиб, тамоман янги ютуқлар очилиши мумкин.

Шароит таъносис билан миллий тарихин тиктилаб маданий ва маънавий ҳазина ахтараетганимизда бугунги кунга, оёқларимиз остига ҳам назар ташласак зарар қилмаймиз.

«Ўзбеки ўзбек қилиб турганлар» рўқни давр синовларидан мувафқиятли ўтган, имони бутун, ўз касб-кори билан элга хизмат қилиб обрў-эътибор топан халқимизнинг муносиб фарзандларининг ўзига хос минбарига айланмоқда. Раҳбар масъулятининг ҳақида мулоҳаза юритилганда навбатдаги бу давра суҳбатига ВАСХНИЛ академиги, Социалистик Меҳнат Қўдратли Маҳмуд МИРЗАЕВ, академик Елдин ТўРАҚУЛОВ, Ўзбекистон ФА муҳбир аъзолари Назат СУЛТОН, Ҳайдар ПУЛАТОВ ва «Мулоқот» бош муҳаррири Барот БОЙҚОВИЭВ иштирок этдилар. Шу суҳбатдан бир парчани эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ҳайдар ПУЛАТОВ: Бугун дардларимизни иситмаси ошкор қилиб қўйди. Назаримда жамиятимиз раҳит касалига учради. Гуё катта бош остида кичик ва нимжон оёқчалар турибди. Аммо унутмаслик керакки, жамиятни оёқлар боқади. Бу оёқларга жойлардаги ишбилармон раҳбарларгина дармон бўлиши мумкин. Умуман олганда, раҳбарлар масаласида бизда чийқовчилик давом этмоқда. Лениннинг раҳбарлик ҳақидаги таълимотини оқини қора қилганлар талқин этдик. Масалан, аёлларни масъул лавозимларга кўтариш (феминизация)ни олайлик. Биз учун аёл киши бўлса бас. Юқори лавозимларга кўтаравердик. Унинг савияси қандай, бошқариш қобилияти борми, йўқми, суриштирмадик. Ешларни масъул лавозимларга кўтариш (инфантизм) қандай ҳал этилди? Баъзан раҳбарга ёнмай қолган кекса

миз. Бу ҳужжатнинг амалий кудрати борми-йўқми, ҳеч ким ўйлаб кўрган йўқ. Бизда байналмилалчилик ҳам халгача сунъий бир изда олиб борилмоқда. Масалан, КПСС XXVII съездида Ўзбекистондан уч нафар арман миллатига мансуб раҳбар делегат қилиб сайланди. Бу — съезд масалаларини одил ҳал этишга ёрдам ҳам бер-

гача, халқ талаби бажарилмай қолмоқда. Ҳозир давлат буюртмаси деган «тадбир» пайдо бўлмоқда. Унга биноан мамлакат ҳукумати билан пахтани давлат тарихида сотиб олади. Шу пахта бошқа жумҳуриятларга бозор нархида сотилди. Пахтанинг фойдасини деҳқон эмас, давлат кўради. Хўш, бу ҳолда мустиқлик ҳақидаги ҳужжатлар нимани аниқлатди. Масалан, оддий илмий-тектириш институти категориясини белгилашга Москва аралашуви ҳам шунга ўхшаган ҳол. Нима, жумҳурият Фанлар академияси мустиқли бўла олмайдими? Елдин ТўРАҚУЛОВ: Фан учун ажратилган маблағ марказга юборилди. Лекин уни ишлатиш масаласига биз аралаша олмаيمиз. Олимларнинг халқро мулоқоти-сини фан келажак ҳақида ўйлашининг ўзи кулгули. Бирок, валюта ҳам марказда тулланади. Ҳозир фан лабораторияларини жиҳозлаш

борасида жуда оғир аҳволга тушиб қолдик.

Ҳайдар ПУЛАТОВ: Меҳнмча, академия ҳам янгича раҳбарлик услубига кўчиши, ўз доирасида қайта кўришни кеч бўлса-да, бошланиши лозим.

Назат СУЛТОН: Имон, эътиқод ва истеъдоди бўлган раҳбаргина элга фойда келтиради. Бугун ҳаваскор раҳбарни даврининг ўзи суриб четга чиқаради. Тили бир қарч, демағог берган ваъдалари билан халқни тўйдириб, кийинтириб бўлмайди. Баъзилар фақат ваъдалар бериш, халқнинг жароҳатини тирнаш билан юқори лавозимларга эгалланишлар. Гап Елдин ҳақида келтаётганини фаҳмлаган бўлсангиз керак. Маънавий ва иқтисодий соҳадаги йўналишларини 500 кунда барта-раф этиб бўлар эканми? Раҳбар қилиб кўтарсаларинг партиядан чиқаман, деб пиёсанда қилишни қандай баҳолаш мумкин. Бугунга қадар коммунист бўлиб кўнкар кериб юрган одам эртага партияннинг юзига лой чаллаши эътиқодли одамнинг ишми? Шунинг ёддан чиқармаслик керакки, эътиқоди йўқ одам халқни эмас, доим ўз ҳузурини ўйлайди.



ТОШКЕНТ шаҳрида ўтказилган «Оби-нон» байрами кўнчилигининг ёдида қолган ибратли тадбирлардан бири бўлди. Унинг иштирокчилари меҳмонларни юр-



тинмида тайёрланаётган қўлда нон турлари билан таништирилди. Суратқаш А. КАРАВАЕВ.

## Илдош ЭШБЕК ЭЛИМ ДЕСАМ...

Элим десам рангим гулдай сулади. Муҳаммаджул Жонмурод ўғли ПУЛКАН

Омонимисиз ёвсиз ёвда қолганлар, Ўз элида жангсиз жангга толганлар. Дунёларни хайратларга солганлар. Элим десам рангим гулдай сулади.

Эсонимисиз, юртда юрган ёронлар, Бир замонлар қилган сурган туронлар. Бирин омон қилган шонли сурунлар, Элим десам рангим гулдай сулади.

Юрт нимадир — Жисмонийнинг ойнадир, Эл нимадир — Олтинийнинг бойидир. Ватан — халқнинг бахти билан бойидир, Элим десам рангим гулдай сулади.

Бахт нимадир — Ўз юртига эгаллик, Омад нима — дарз кетганми, чегалик. Кудфат нима — салом қолса беалик, Элим десам рангим гулдай сулади.

Тамом кечмас, Зарафшондан ўтарман, Вангага, Вағдога қўл тутарман, Аму билан Сирдан мадад кутарман, Элим десам рангим гулдай сулади.

Юртим деган юртин гулда тўлдирар, Булбул боғин нурулар билан кўлдирар. Юрт майдонини дудулдуларга бўлдирар, Элим десам рангим гулдай сулади.

Элим десам йўлим яқин бўлади, Элиэс — душман, саргайди, сулади. Хатирчида Шўлқандар бор, полдонлар, Элим десам томирларим тўлади!

## Жумҳурият ТАНЛОВИ

# «ХОНАДОН-91»

Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги вазирига ва «Мулоқот» жаридаси муҳарририяти ўтказаетган танловда фаол иштирок этдинг.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалиги вазирига ва «Мулоқот» жаридаси жамоаси қишлоқ жойларига уй қуришни тартибга солиш, бу борадаги халқ усталарининг тажрибасини кенг ёйиш, мавжуд меъморчилик ютуқларидан фойдаланиш ва бу борадаги янгиликларини тарғиб этиш мақсадига 1991 йилда «Хонадон—91» кўнрини ўтказишни лозим топиди. Шу мақсадда ҳамкорликда конкурс шартлари ва низоми шиллаб чиқилди. Ҳакамлар ҳайъати тасдиқланди.

**КОНКУРСДА ИШТИРОК ЭТИШ ХОҲИШИНИ БИЛДИРГАНЛАР КЎНИДАГИ ТАЛАБЛАРНИ ВАЖАРИШИ ЛОЗИМ:**

— танловга тақдим этилаётган ҳар бир иш жумҳуриятнинг қайси вилоятдан бўлиши ҳисобга олинган ҳолда шу жойнинг ўзига хос миллий анъаналарини мужассамлаштириши даркор;

— бунёд этилган ҳовли ва ундаги яшаш хоналари бир-

бирга мос тушини лозим; — иморат ва унинг ички кўнринишларида миллий кўнринишлар, ранг-баранг безаклар бир-бирини тўлдириб турини ҳисобга олиниши керак;

— ховли қурилишида қайси турдаги ва қанча миқдорда маҳаллий қурилиш аёлларидан фойдаланилганлиги кўрсатилиши шарт;

— шунингдек, иморат тиббий-санитария талабларига жавоб бериши ва ер силкинишига чидамли бўлмоғи ҳисобга олинади.

Конкурсда иштирок этиш истагани билдирганлар ўзлар тавсия этаётган ишнинг фотосуратини, унинг батафсил тафсилоти, ёки булажак унинг лойиҳасини «Мулоқот» жаридасига тақдим этишлари зарур. Муносиб топилган ишлар мунтазам жарид саҳифаларида ёри-тиб борилади.

Конкурс якувлари 1991 йилнинг охирида кўриб чиқилади ва кейинги йилнинг бошида «Мулоқот»да эълон қилинади.

Қўриқ голбларини биринчи, иккинчи ва учинчи даражада дипломлар ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланади. Фолблар учун қуйи-

даги мукофотлар таъсис этилган:

1. Миллий анъаналарга тўла жавоб берадиган ва кўриб битказилган иморатлар учун: **Биринчи мукофот — 5000 сўм**  
**Иккинчи мукофот — 3000 сўм**  
**Учинчи мукофот — 2000 сўм**

2. Миллий талабларни ўзида мужассамлаштирган ва қишлоқ жойларига бунёд этишда кам харажат кетадиган лойиҳалар учун: **Биринчи мукофот — 2000 сўм**  
**Иккинчи мукофот — 1500 сўм**  
**Учинчи мукофот — 1000 сўм**

Тавсия этилаётган ишлар қуйидаги манзилгоҳга жўнатилиши мумкин: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41-уй. «Мулоқот» жаридаси, «Хонадон—91» конкурсига.

Хурматли ҳамюртлар! Жумҳурият танловини фаол иштирок этинг. Бу борадаги тақдир ва истақларингизни кутамиз. Ўйлаймики, қишлоқда бунёд этилаётган ҳар бир хонадон ховлисини бизнинг назаримиздан четда қолмайди.

## К И М Н И Н Г Қ У Л И Я Х Ш И

Аёл кишининг қўли юмшоқ бўлса — у уйқучи бўлади, кўпичинча то тушгача ҳам урқидан турмай ётади. Қўли каттиқ аёл хўроз қичқирмасдан, тонг сарҳарда туриб олади.

Рассом қўли каттиқ ва дағал, бормоқлари учли бўлса, у олға сураетган гоълар кучли ва теран бўлади, қўли юмшоқ рассом асарларини озоки, лекин ноэкироқ ишлайди.

Йўғон, қизил ва жуда дағал қўл — тўпорикли, содаллик, ҳатто гуллак аломатидир. Жо-

юмшоқ қўл осойишта, бадасуру турмуш меъсари. Каттик қўл эса рўзгор оғир меҳнатда ўтадиган муҳитга, юқки, овчи, ишчиларга ҳосдир.

Одам кейсаганда қўли дағаллашиб, чойир бўлиб қолади, томиларни бўртиб чиқари. Шуниси қизиқки, қўл билан бир тадрижда уларнинг феъл-аввали ҳам ўзгариб боради. Улар шўбхаланувчан, ўта мулоҳаза-ли бўлиб қоладилар. Умуман эса каттик қўли кишилар иззатталаб, худбин, катъиятли,

мантиқли, жисмоний жиҳатдан бакуват бўладилар, идрокки ҳисларини бошқаради. Юмшоқ қўли кишилар тамоман аксини — лоқайд, лақма, лапашинг, сўзсўлом, бироз дағдас, сиртсиз эса назокатли бўладилар.

Умуман эса қўл истарали ёки истарасиз бўлади деса муболага йўқ. Шундай қўллар бўладикки, бир қарашда одамнинг илҳосини уйғотади ёки нафратини келтиради. Биз беихтиёр шу қўл орқали одамнинг дилини ўқийтандек бўламиз. Ҳатто мушоҳадаси унча ўтир бўлмаган кишилар ҳам пачишқадай хунук, қок, захм қўли кўрганда кўнглида эгаси ҳақида ёвуз экича одам экан деган ҳаёлга боради. Маъини силлиқ қўл эса хуш тасурут қолдиради.

Тарбияли, маъналий, маданий кишининг қўли каттиқ ҳам эмас, юмшоқ ҳам эмас, лекин юмшоқ ва эгилувчан бўлади. Бундай қўл фаол ақл инсониясиндир. Қўли шундай одамнинг амалий ва назарий ишлари му-таносиб боради. Бундай кишилар қанча ишларимизни қўли сар дағаллашмайди. Каттик қўл эса ишласа-ишласа берибёр гўраша бўлади.

## Хурматли муштарийлар!

«Мулоқот» билан танишиб чиқингиз. Хўш, унда ёритилган мавзуларга қандай қарайсиз? Сизга жариддан безаш усуллари маъқуллими? Уни янада ўқинишга ва ҳозиржабоб қилиб чоп этиш учун нимааларга эътибор беришини тавсия этаемиз?

Шуни эслатиб ўтамизки, «Мулоқот» учун обуна йил мобайнида давом этади. Уни келас ойдан мунтазам олишни истаган, обунани расмийлаштиринг. Жариднинг уч ойлик обуна баҳоси — 1 сўм 80 тиний, 6 ойлиги — 3 сўм 80 тиний.

Тан олиш лозимки, биз ўз тарихимизни яхши билмаймиз. Зеро, ўтмишимиз тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Бахтга қарши узоқ вақт мўзий бўзиб кўрсатилган ҳолда таълим бериб келинди. Ҳаётимизда муҳим из қолдирган шахса сизнинг даврини фойда этувчи ҳужжатлар шу пайтгача батафсил эълон қилинган йўқ. Ушга қатағонли йилларда «халқ душман» тағмаси билан отиб юборилган ёки узоқ мудатли қамоқ жаэосига ҳўкм қилинганларни яқин-яқингача ашадий ганимлар, деб келдик. Уларга чалланган бўхтонлар бор ҳақиқат сифатида қабул қилинди. «Халқ душман»ларини беқордан-беқор лаънатлаб, маҳдунлар тўқилди.

Аслида ҳам шундайми? Наҳотки, халқ дарди учун курашган унинг оидин келажакни оруз қилганларнинг ҳаммаси тузумга қарши чиққан бўлса? Бунга ас-чиққан бўлмайди! Минг афсуски, қатағоннинг маломат торши мишларнинг, миллионларнинг умрига зомин бўлди. Сибирь намоҳқонларига эл учун жон кўйдирганлар эл учун жон кўйдирганлар хор-зорликда мангунликка бош қўйишган. Тулик бўлмаган маълумотларга қараганда республикамизда 40 мингта яқин киши Сталин тузумига учраб бевақт кўрбон бўлган.

Ошкоралик туфайли қатағон йилларида жабр кўрганлар номи оқланмоқда. Уларнинг аччиқ қисмати афкор оммага етказилмапти. Узоқ вақт ўзга нироҳдлик эҳтиёт қилинган ҳужжатлар эълон қилинмапти.

«Мулоқот» ҳам ана шу хайрли қомушни давом эттириш ниятида. Шу мақсадда Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг бевосита ёрдами билан республика давлат хавфсизлиги қўмитасининг ҳужжатхонасининг айрим қатағон кўрбонларининг жиний иши ўрганиб чиқилди. Улар 80 йилдан кўнроқ вақт «Бутунлай маҳфий». «Доимо сандансин» тағмаси билан ертўларда тақсанган. Улар орасида Ўзбекистон Коммунистик партиясини Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби Арон Абрамович Шер, Марказий Қўмита кишлоқ ҳўжалик бўлимининг мудири Мирмуслим Шермухамедов, Қўрақалогистон вилоят партиясининг қўмитасининг котиби Карим Болтаев, Ўзбекистон ССР молия ишлари халқ комиссари Акбар Исмолов, ер ишлари халқ комиссари Руслан Исмолов, Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби Федор Тарасов, «Еш ленинчи» рўзномасининг муҳаррири Карим Гайбуллаев ва бошқа бир гурӯҳ партиясини, шўро, комсомол ходимларининг жиний иши бор. Қузатиш шунинг кўрсатидики, ўша кезде қатағон кўрбонлари ноҳақ жабрланган. Энг фожиалиси шуки, улар туҳматга учраб, олий жаэо — отишга ҳўкм қилинган.

«Мулоқот»да тарихимиздаги қора доғлар хусусида мақолалар туркумини эълон қилиш режалаштирилган. Ноҳақ жабрланганларни оқлаш бўйича олиб борилган адолатли юмушлар хусусида бир неча мақола бериб боришим мўжжалланган. «Қатағон кўрбонлари» рўқни остида эълон қилинганда материалларда терговдаги савол-жавоблар, хотиралар, узоқ вақт сарқилган ҳўжатлар кенг ўрин олади. Ишонил шидан олганга фотосуратлар афкор ойма эътиборга ҳавола этилади.

Ушбу қармоққа оинш ҳўқуқини берувчи ҳўжат НКВД ходими Андреева берилган. У жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби Федор Тарасовни ҳўбста олиб, унда тинтув ўтказишни лозим. Қатағон даврининг машғулу ҳўжжатида ўша йилларда Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссарининг ўринбосари бўлиб ишлаган Леонид қизил қалам билан жимжимадор қилиб «низо» чеккан.

# 1991 йил Алишер Навоий йили

## МАКТАБДА АДАБИЙ КЕЧА

**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ** Кирова ноҳиясида Чўлпон номидаги 258-мактабда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодида бағишланган мусиқа-адабий кеча ўтказилди. Унда ноҳиядаги 21-, 63-, 83-, 235-ва 258-ўрта мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

Кечада ўқитувчилардан Ш. Иброимова, Т. Аъзамова, Г. Толипова, Х. Абдулҳафизова ва бошқалар Алишер Навоийнинг адабий мероси, унинг ўзбек халқи маданиятида тутган ўрни хусусида сўз юритиб, мутафаккир шоирнинг ғазалларидан ўқиб бердилар.

Навоийхонликка тақлиф этилган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ҳофиси Ҳасан Ражабий ва шоир Исмоил Маҳмуд буюк мутафаккир шоир яратган асарлар неча неча асрлар ўтса ҳам ўзининг қадр-қимматини йўқотмаганлиги, аксинча, Навоий илгари сурган гоғлар ҳаминша долзарб ва абдий эканлиги хусусида сўзладилар, ўзларининг шеърларидан ўқиб бердилар. Ҳасан Ражабий Навоий ғазаллари билан айтилган классик қўшиқлардан ижро этди.

Кечада фаол иштирок этган ноҳия ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчилари ўзлари тайёрлаган қўшиқ ҳамда рақслардан, саҳна асарларидан парчалар намойиш этишди.

## Бу туркий эл эл бўлсин деб азият чекандир Навоий, Бу туркий тил тил бўлсин деб азият чекандир Навоий,

Калинин ноҳиясида ўтказилган навоийхонлик кечаси юқоридаги мисралар билан бошланди.

Кечага тақлиф қилинган олимлар — филология фанлари номзоди Ёқубжон Исҳоқов, тарих фанлари номзоди Билол Аминов, Совет Иттифоқи халқ таълими аълочиси, доцент Фатхулло Зикриллаев, фалсафа фанлари номзоди Тулан Саксонбоев йиғилганларга Алишер Навоий ижодида қомил инсонлигини тарғиб қилган асосий мавзулардан бири эканлигини таъкидладилар. Навоий ижодидан мисоллар келтириб, уларни шарҳлаб бердилар. Ўзбекистон халқ ҳофиси Ҳасан Ражабий Алишер Навоийнинг мусиқа санъатини ҳам қўшган хусуси улкан эканлигини гапириб, Навоий ғазали билан «Ушшоқ» қўшиғини ижро этди. Ноҳия

## НАВОИЙ АСРИ КЕЛАДУР

маданият уйининг С. Қудратуллаев ва М. Мирмаҳмудов раҳбарлигидаги «Ҳосил» мақомчилар дастаси кечада ўз куй-қўшиқлари билан иштирок этди. Хонандалардан Э. Қодиров, К. Уролова, С. Эшонбеков, А. Муминов, Т. Усмонов, Ш. Зокиров икросидаги Навоий ғазаллари билан айтилган «Сарахбори дутоҳ», «Надруллоий», «Соқномаи Баёт», «Уфур баёт», «Уфори наво» қўшиқлари ва Д. Оллоберганова, Д. Нишонбо-

ева, З. Холиқова, С. Бурҳона рақслари кечага янада фойз бағишлади.

Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳи дипломанти Овода Нишонова ҳамда Назарбек қишлоқ клуби муdiri Зибунддин Одилов «Алишер Навоий» драматик наъзалар ижро этиб, шоир ғазалларидан намуналар ўқиди.

ларни ижро этишди.

Кеча сўнгига ноҳия фирда қўмитаси котибаси З. А. Ҳакимова билан суҳбатлашди.

— Бундай кечалар ноҳиямизда тез-тез ўтказилмоқда, — дейди Зумрадхон Аббосова, — яқинда Назарбек маданият уйи ва қишлоқ клуби биргаликда навоийхонлик ўтказдилар. Ноҳиямиздаги барча мактаблар, жамоа хўжалиқларида ҳам бундай тадбирлар амалга оширилди ва охирилмоқда. Зеро, бу йил жумҳуриятимизда Навоий йили деб эълон қилинди. Шундай экан, биз бундай тадбирларни юқори савияда ва навоийона руҳда ўтказишимиз лозим...

Мен Зумрадхон опанинг сўзларини тингланганим шунинг учун айтган гаплар хаёлимга келмоқда. Бир кун аввал у шундай деган эди: «Мен яқинда, хали шундай давр келадими, Алишер Навоий йили эмас, Алишер Навоий асри деб эълон қилинади? Хали шундай давр келадими, бирор жойга кетётганимизда биздан паспорт сўрашмайди, балки ҳазрат Навоийнинг ғазалини биласизми, деб сўрашадими?»

БУНГА МЕН ҲАМ ИШОНМАМ!

Д. САИДОВ,  
«Тошкент ҳақиқати»нинг ўз мухбири.

## «УЛУҒБЕК»ДА МУЛОҚОТ

**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ** «Улуғбек» шаҳарчасида жойлашган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физика олиғоҳида ҳазрат Навоийга бағишланган «Улуғбек» мавзусида навоийхонлик кечаси ўтказилди.

Жумҳурият Фанлар академияси Адабиётшунослик олийгоҳининг «Адабиёт тарихи» бўлими муdiri, профессор Абдуқодир Ҳайитметов «Навоий ижодининг тарихий аҳамияти» мавзуси билан кечани бошлаб берди.

Қўлбасалар олиғоҳининг катта илмий ходими Қозоқбой Маҳмудов «Навоий — ўзбек тилининг асосчиси» мавзусида сўзлаб, тилимиз ва халқимиз тарихини йиғилганларга атрафчида хўжа қилди. Алишер Навоий маъракаси муносабати билан улдуз бобимиз ва унинг замондошлари хотираси Тошкент шаҳрида қандай абдилаштирилганлиги ва бу борада шаҳар Атамалар комиссияси томонидан амалга оширилган тадбирлар ҳақида Дилмурод Саидов сўзга чикади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Муҳаммадхон Юнусов «Илмий-техникавий атамушносликнинг ҳозирги аҳвали ва вазифалари» тўғрисида сўзлади. Жумҳурият Ёзувчилар уюшмаси Тарғибот марказининг директори, шоир Тўра Мирзо «Навоий — шеърини мулкунинг султони» мавзусида гапириб, ўзининг янги шеърларидан ўқиди. Тўлаианганлари қизқираётган саволларга меҳмонлар жавоб беришди.

Кечада шаҳарча маданият уйининг «Оруз» ашула ва рақс дастаси Алишер Навоий ғазаллари билан айтилган қўшиқлардан ижро этди. (Ўз мухбирларимиздан).

# ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси «Ўзбекистон Юлдузлари» Маркази В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА 11, 12, 13 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

## КЕЛИНГ БИР КУЛИШАЙЛИК ҲАЖВИЯ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:  
Мирза ҲОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Собит АСОМОВ, Ботир МУҲАММЕДУЖАЕВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ.  
Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳазма номидаги республика Давлат мукофоти совриндори Абдурашид РАҲИМОВ.  
Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.  
Жамоа буюртмаси қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМСОМОЛ ҚУМИТАСИ

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

27 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА  
ВИРИНЧИ МАРТАБА  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ЕШ ХОНАНДАЛАРИНИНГ

## «ИСТИҚБОЛ-91»

КЎРИҚ-КОНКУРСИ ҒОИБЛАРИНИНГ ҲИСОВОТ КОНЦЕРТИГА

## ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҚАТНАШАДИЛАР:  
ХОНАНДАЛАР: конкурс олий мукофот совриндори: Эркин ДЕҲҚОНБОВ; лауреатлар: Мирсад МирсоқОВ, Ғофур ҚУЧҚОРОВ, Азиз ИСОҚОВ, Ғулом НИШОНОВ, Даврон ҚОДИРОВ, Баҳодир ТУРАЕВ.  
Тошкент вилояти Ленин комсомоли мукофоти совриндори, раққоса —

ГАВҲАР АМИНОВА  
«ҚИЗИҚЧИ-89-90» конкурси совриндорлари: Тўғул САЪДУЛЛАЕВ, Абдурахмон СИДДИҚОВ.  
ПРОГРАММАНИ — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист — Лутфулла САЪДУЛЛАЕВ олиб боради.  
Саҳналаштирувчи режиссёр — Фарҳод АҲМЕДОВ.  
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.  
Касса соат 10 дан 20 гача ишлайди.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗЛАР!

## «ТУРОН» ИЖОДИЙ УЮШМАСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА

6, 7, 8, 9, 10 МАРТ СОАТ 18.00 ВА 19.30 ДА  
ХАЛҚ СЕВГАН ҚЎШИҚЧИ

Рустам ҒОЙИПОВ  
ВОШЧИЛИГИДАГИ

«НУР» ГУРУҲИ ИШТИРОКИДА  
«ЎЗБЕГИМ ЎҒЛОНЛАРИ»

ТЕАТРАЛЛАШТИРИЛГАН ЯНГИ КОНЦЕРТ  
ПРОГРАММАСИГА

## ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КОНЦЕРТДА:  
ЎЗБЕКISTОН ССЖ ХАЛҚ АРТИСТИ  
Малика АҲМЕДОВА  
Сўз устаси ва киноактёр МИРЗА ҲОЛМЕДОВ қатнашадилар.  
Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилмоқда.

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

22—31 МАРТ СОАТ 11, 14 ВА 17.00 ДА  
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ  
ТАЪЛИҚ КУНЛАРИДА  
БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

## КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ РАНГ-ВАРАН ДАСТУР  
Цирк санъатининг барча жанрлари намойиш қилинади.  
Касса соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.  
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-29-04.  
Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.  
Олдиндан чипта сотиш ташкил қилинган.

## Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК  
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА  
ТЕАТРИДА — 21/II да Кармен,  
22/II да Дунининг яратилиши,  
23/II да Евгений Онегин, 24/II да Коппелия (12.00), Раймонда (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК  
ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА  
ТЕАТРИДА — 21/II да Жар,  
22/II да А. Қодирийнинг ўтган  
кунлари, 23/II да Тўмарис, 24/II да Хотинлар гапидан чиққан  
ҳангома.

Муқимий НОМИДАГИ ЎЗБЕК  
ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 21/II да Гул ва Нарғуз, 22/II да Кўвлар конкурс, 23/II да Дардимин айтман, куласизми... 24/II да Театрда — 21/II да Кармен, Дардимин айтман куласизми, 22/II да Дунининг яратилиши, 23/II да Евгений Онегин, 24/II да Коппелия (12.00), Раймонда (19.00).

Тошкент ГРЭСи жамоаси қозон-кувур цехи бошлиғи  
Забихулло Каримович СУЛТОНҲУЖАЕВнинг вафот этганлигини ҳузур қайу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия нэхор қилади.

## ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

Тўйтепа шаҳрининг «Учкун» маҳалласида ҳам Алишер Навоий таваллуд тоғатинга 550 йил тўлиши муносабати билан тантаналар ўтказилмоқда. Навбатдаги йиғилиш одатдагидан бошқачароқ бўлди. Тадбирга келганларга аввал доққозонларда таёрланган ош тортидди. Дастурхон устаси ҳам Навоий ҳақида да сўхбат давом этди. Тўйтепа шаҳар кенгашининг раиси

Муҳаммадхон Долмив Навоий қўлдорган мерос ҳақида тўхталиб, бугунги кунларда унинг ҳурматини жойига қўйётганимизни таъкидлади. Тўйтепа маҳалласининг имом хатиби Абдулворис ҳожи Пирназар ўғли шоир асарларида учрайдиган одоб-ахлоқ мавзусидаги ҳикоятлар хусусида гапирди:

— Бу ҳикоятлар кишиларни дўстлигини қадрлашга, самимийликка, ҳалолликка, катталарга ҳурмат, оқилларга мурувват кўрсатишга ундайди, — деди имом сўзининг охирида.

С. АБДУЛЛАЕВ.

## БАҲОР ҒУСАҒАСИДАГИ УЙЛАР НУРГА ИНТИЛИШ

ҚУЕШНИНГ аз томон силжишини биринчи бўлиб сезадиган баҳор элчилари — бой-чеклар бу йилги қалин қор тагидан ёруғликка интилишди, ҳадемай қир-адирларимизда кўриниб қолди. Уларнинг тиллоранг гуллари ширасидан маст бўладиган исқаб-топарлар севги базмларини бошлаб юборишди.

Бойчеклар қор ва музлардан ериб ёруғликка интилса, равонлар тош қатламлари орасидан чиқишди. Шунинг учун уларнинг энг ширин, серсувлигини «тошбоси» дейишди. Утган йили бир дўстимнинг илтимоси билан кичкинагина равон томирини ярим соат овоза бўлиб кавладим: узунлиги бир-бир ярм метр, йўқонлиги сондай-билмақдай келадиган индизлардан 10 килограммча йиғиб олдим. Айтишларинча, у коч босими ёки «бой касали» деб аталмиш қанд диабетига дори бўларкан. Шунча узун ва йўқон томирларини кўриб равончининг 200—300 йил ашашига ишондим! Ҳар йили тошбоси орасидан ёруғликка чиқиб, катта бағларини айиб, уруғлаб, уруғларини шамол иштирибга топшириб, яна келаси баҳоргача кўриб қолади-да! Шунда Ҳиндистондаги маҳаркалар филлоналариининг ҳозирги кундаги кўринишларини ҳаёлимга келди. Маҳаркаларнинг ҳар бир байрам кунларига бээтилган филларга ми-

## • Ҳажвия •

— Агар билсангиз, ўртоқ Бепароев, бу коммунал хўжалик илосаси жуда серрал-ва жой. Бу ерда ишлашнинг ўзи бўлмади. Ҳамонки шу идората бошиқ бўлиб, амал курсисига чиқиниш иштири этган ҳолда битта курси сўраб, ҳузуринга бош уриб келган экансиз, на чора. Энг аввало меннинг бир неча саволларимга жавоб беришингизга тўғри келади. Бундан кейин бу идората маълум муддат ишлашингиз мумкин. Шу денг ижрокўмининг раиси бўлатганимизда менгайм худди шундай саволлар беришганди.

— Хўш, айтинг-чи, ўртоқ Бепароев, бировга берган сўзингиз узок вақт ёдингиз-да турадим?

— Уша заҳотиёқ унутаман.

— Ҳазим бўлинг-ей! Ваъдани бажаришга қалайсиз?

— Қуруғ ваъдадан истаганча бера оламан.

— Иш фаолиятингизда кўпроқ нимааларга эътибор берасиз?

— Ҳазимнинг тинчлигини таъминлашга. Кейин яна қўлимдаги амалимни сақлаб туриш учун ўзимга хўжайинлик қилувчи кишиларнинг

## ТАСДИҚДАН ЎТИШ

қўйилларини овлаб, манфадторлик қўришга.

— Баракалла! Ҳазим... иҳ... Хўш, иш юзасидан бирор сизни ҳақоратласиз?

— Чивин қаққанчам таъсир қилмайди.

— Дуруст. Ҳақларини талаб қилувчи шикоятчиларга қандай муносабатда бўласиз?

— Ваъдининг каттасидан насия қилвераман.

— Зарурат юзасидан сўровчи кишиларга тутқиқ берасизми?

— Қаерда дейсиз, Алдар-қўса билан Афанди латифасини ёддан биламан-ку, ахир.

— Қўйил. Хотирадан қалайсиз?

— Уям ўзига яраша. Дарвоқе, бошлиқларга хотиранин ҳожатим йўқ. Зарур гапларни котибларим ёслатиб туришди.

— Яхши, деярли ҳам-фикри-у, ҳамдард эканмиз, Ҳўш, шундай қилиб, ҳозир нима ҳақда гаплашдик...

— Менмича, ўзингизнинг ижрокўмин раиси бўлиш тарихингизни ҳикой қилиб бердингиз, шеклили.

Нормамат ТОҒАЕВ.

## • Акс садо •

### ЎЗЛАРИ ЎРНАК КЎРСАТИШСИН

Рўзноманинг ўтган йилги 15 декабрь сонида чоп этилган «Тўйларимиздан миллийлик йўқолмасин» сарлавҳали мақолани ўқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишга жазам этдим.

Мақолада айтилган гаплар, келтирилган мисоллар жуда ўринли. Бу гаплар биринчи марта тилга олинганга йўқ. Тўй, маъракаларни кам-қичим, исрофгарчиликсиз ўтказиш ҳақида бир неча йиллардан бери гапиримиз, ёамиз. Телевидение орқали махсус кўрсатувлар ҳам намоийш қилинган. Бирок натижадан дарак йўқ. Ундай қилиш, бундай қилиш керак

## МУКОФОТ МИҚДОРИ ОШИРИЛАДИ

«АНГРЕН» совхози маъмурияти Фуркат номли 18-ўрта мактабининг аълочи ўқувчиларини ҳар ой рағбатлантириб бериш мақсадида маъмур атрафчида қарор қилган эди. Кунин кеча хўжалик партия ташкилотининг котиби Эркин Мусурмонов 6-синф ўқувчиси Уткир Маликов, 11-синф ўқувчиси Дилором Исоқовларга ваъда қилинган мукофотни (35 сўмдан пул) топширди.

Мақтабда аълочилар сонини кўпайтириш маъмурияти ҳам ўз навбатида бериладиган стипендия миқдорини оширадиган бўлди.

Э. ЭРАЛИЕВА,  
Оҳангарон ноҳияси.

## Э. ЭРАЛИЕВА, Оҳангарон ноҳияси.

## ШОЛИНГИЗГА ҚАРАБ...

Жамоатчи мухбир А. Набихўжаевнинг «Тўйларимиздан миллийлик йўқолмасин» сарлавҳали мақоласини диққат билан ўқиб, ўйга толдим. Айни кунларда ўтказилаётган тўй, маросимлар, маъракалар тамомила ўзгариб кетган. Илгарилари бундай тадбирлар содда, лабалабасиз ўтказиларди. Ҳозир эса тўй ёки ўлим маъракаларининг фарқи қолмади. Маъракага борганлар тўйнинг дастурхон атрафчида ўтириб олиб, турли кулгида гапларини гапирдиш, худди тўйга боргандек чақ-чақлашиб ўти-

## ЎТТУЧА ТАРҚАЛИШМАЙ

ўртага қилиб олиб дуч келган мусиқачо сакрайвершадим.

Менмича, тўйга ҳам, таъзияга ҳам сарфланадиган маблагини қисқартириш, дастурхонимизни эса камтарин, содда қилиб тузавайтириш келди. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиб борилаётган айни пайтда фақатгина маош хисобига кун кўраётган хонандолар илгаридикидек деўкин-соқин дастурхон тузашга қийналиб қоладилар.

Қисқаса, холингизга қараб тўй қилинг.

Абдуғаффор АБДУСАТОРОВ,  
Тошкент шаҳри.

## Э. ЭРАЛИЕВА, Оҳангарон ноҳияси.

## ИШЧИ-ДЕҲҚОН МУХБИРЛАРИ ДОРИЛУНУНИНГ ТАЛАБЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» рўзномаси ҳузурдаги ишчи-деҳқон мухбирлари дорилунунинг навбатдаги машғулотини — 22 февраль, жума кунин соат 18.00 да 7-қават, 760-хонада бўлади.

Муҳаррир  
Н. НАСИМОВ.